

ХИТОЙ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ МОДЕЛИ

Абдулхаев Абдурашид Нодир ўғли

ТДШУ мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18467314>

Аннотация: Мақолада Хитой Халқ Республикасининг модернизация модели назарий асослари ва унинг институционал-сиёсий хусусиятлари комплекс тарзда таҳлил қилинган. Модернизация назарияси, сиёсий реализм, неолиберал институционализм ва янги институционализмнинг тушунтириш имкониятлари қиёсий равишда қўлланиб, Хитой тажрибасида «кўпвариант модернизация» траекторияси шаклланиши асосланган. 1976-1978 йиллардан кейинги институционал бурилиш, «ислохот ва очиқлик» сиёсати, махсус иқтисодий зоналар ва давлат бошқаруви салоҳиятини ошириш механизмлари эмпирик далиллар асосида баҳоланган.

Калит сўзлар: модернизация, Хитой модели, сиёсий реализм, институционализм, ислохот, очиқлик, давлат салоҳияти, легитимлик.

Аннотация: В статье рассматриваются теоретические основания китайской модели модернизации и её институционально-политическая специфика. Показано, что китайская траектория сочетает рационализацию управления, поэтапный институциональный экспериментализм и пересборку легитимности, что позволяет описывать модернизацию не как линейное «вестернизационное» движение, а как контекстно обусловленный процесс.

Ключевые слова: модернизация, китайская модель, институционализм, реформы, открытость, государственная состоятельность.

Abstract: The article examines the theoretical foundations of China's modernization model and its institutional and political specificity. It argues that China's trajectory is better understood as a context-dependent, multi-dimensional transformation combining incremental institutional experimentation, governance rationalization, and renewed sources of legitimacy.

Keywords: modernization, China model, institutionalism, reform and opening-up, state capacity.

Замонавий сиёсатшуносликда модернизация назарияси XX аср иккинчи ярмида шаклланиши асосий парадигмалардан бири ҳисобланади. Унинг марказий тезиси анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтиш жараёнида иқтисодий ўсиш, урбанизация, саводхонликнинг кенгайиши ва оммавий коммуникацияларнинг ривожланиши сиёсий институтларнинг дифференциацияси, қоидаларнинг умумийлашуви ҳамда сиёсий иштирокнинг институционаллашуви билан ўзаро шартланиши ҳақидадир.

Бироқ модернизацияни фақат «бир йўлли тараққиёт» сифатида талқин қилиш эмпирик хилма-хилликни камситиши мумкин. Шу сабаб, кейинги компаратив тадқиқотларда «кўплаб модернликлар» ёндашуви мустаҳкамланиб, модернизация траекториялари цивилизацион мерос, давлатчилик анъаналари, ташқи иқтисодий

интеграция даражаси ва элиталар коалициясига боғлиқ ҳолда турлича шаклланиши кўрсатилди¹.

Хитой мисоли шу нуқтаи назардан айниқса муҳим: у юқори иқтисодий динамика ва кенг кўламли ижтимоий трансформацияга эришган ҳолда, сиёсий модернизацияни ғарбча либерал-демократик институтлар пакети билан тўлиқ идентификация қилмаган. Демак, Хитой тажрибаси модернизацияни режим тури эмас, балки институтлар сиғими, бошқарув самарадорлиги, қонунчилик тизимининг мослашувчанлиги ва легитимлик ресурсларининг қайта ишлаб чиқарилиши нуқтаи назаридан тушунтириш зарурлигини кўрсатади.

Сиёсий реализм давлатларнинг ташқи муҳитдаги хавфлар, суверенитет ва қудрат балансини биринчи ўринга қўйишини таъкидлайди. Хитой модернизациясида ҳам ташқи барқарорликни сақлаш ички ислохотлар учун вақт ва ресурсни «сотиб олувчи» омил сифатида қаралади. Неолиберал институционализм эса ўзаро боғлиқлик кучайган шароитда халқаро институтлар ва қоидалар ҳамкорликни енгиллаштиришини кўрсатади. Бу Хитойнинг ташқи иқтисодий очиқлик сиёсати ва глобал бозорларга интеграция жараёнини тушунтиришда қўл келади.

Янги институционализм доирасида модернизация «институтлар қандай ишлайди?» деган саволни марказга чиқаради: қоидаларнинг шахсларга боғланмасдан амал қилиши, бюрократик профессионализм, сиёсат ижросини назорат қилиш механизмлари ҳамда ресурсларни сафарбар этиш қобилияти сиёсий модернизациянинг операционал ўлчовларига айланади. Бу ерда институтлар фақат ҳуқуқий меъёрлар эмас, балки устувор рағбатлар ва амалиётлар мажмуаси сифатида қаралади².

Хитойда модернизациянинг назарий-сиёсий ўзаги 1976 йилда «маданий инқилоб»нинг якунланиши ортидан вужудга келган стратегик танлов билан боғлиқ. 1978 йил декабрда КПК МКнинг 11-чақириқ 3-плenumsи «синфий кураш»ни марказий шиор сифатида қўллашдан воз кечиб, партия ва давлат ишининг оғирлик марказини иқтисодий қурилиш ва модернизацияга кўчирди ҳамда «ислохот ва очиқлик» стратегиясини расман тасдиқлади³.

Хитой раҳбари Дэн Сяопиннинг «онгни озод қилиш» ва «амалиёт – ҳақиқат мезони» деган тезислари мафкуравий қатъийликни прагматик сиёсат билан мувофиқлаштирди. Айни шу тарзда «Хитойга хос социализм» доирасида бозор механизмлари ва ташқи иқтисодий алоқалар кенгайиши қонунийлаштирилди⁴. Бундай ёндашув модернизацияда легитимликнинг символик ресурслари институционал ўзгаришни радикал узилиш орқали эмас, балки «маънони қайта тартиблаш» орқали таъминлашини кўрсатади⁵.

Иқтисодий ислохотларнинг институционал лабораторияси сифатида махсус иқтисодий зоналар (Шэньчжэнь, Чжухай, Шаньтоу, Сямэнь) ташкил этилиб, уларда бошқарув регламентлари, инвестиция тартиблари ва ташқи савдо амалиёти бўйича

¹ Алмонд Г. Гражданская культура и стабильность демократии / Г.Алмонд, С.Верба // Полис. 1992. №4. С. 122-134.

² Вебер М. Хозяйство и общество: очерки понимающей социологии. -М.: Изд. дом ВШЭ, 2016.

³ 中共中央. 中国共产党第十一届中央委员会第三次全体会议公报. 北京, 1978.

⁴ 邓小平文选 (第三卷). 北京: 人民出版社, 1993.

⁵ 邓小平文选 (第三卷). 北京: 人民出版社, 1993.

тажриба ўтказилди⁶. Кейинчалик самарали институтлар миллий миқёсга кўчирилиб, «қадамма-қадам ислохот» ва институционал экспериментализм механизми мустаҳкамланди⁷.

Эмпирик жиҳатдан, 1978 йилдан кейинги даврда иқтисодий ўсиш суръатлари, саноат таркибининг диверсификацияси, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ҳамда инфратузилма лойиҳаларининг тезлашиши давлат қобиляти ва сиёсат ижроси сифатини баҳолаш учун муҳим фон яратади. Халқаро баҳолашларда Хитойнинг қашшоқликни қисқартиришдаги натижалари алоҳида қайд этилади: Жаҳон банки маълумотларида ислохотлар даврида юз миллионлаб аҳоли қашшоқлик чегарасидан чиққанлиги таъкидланади⁸.

Сиёсий модернизациянинг ташкилий ўлчови Хитойда кадрлар сиёсати орқали институционаллаштирилди. Хусусан, раҳбар кадрларнинг ёшартирилиши, профессионаллашув, лавозим муддатларини чеклаш, натижага боғланган баҳолаш тизими ва интизомий назорат механизмлари бюрократик сиғимни оширишга қаратилди. Бу ерда рационал бюрократия тўғрисидаги веберча тезислар амалий қиррага эга бўлиб, маъмурий иерархиянинг қоидаларга таянган ишлашини кучайтириш модернизациянинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади⁹.

Хитой модернизациясининг сиёсий-ҳуқуқий қиррасида «қонун орқали бошқариш» тамойиллари институционал барқарорлик ва коррупцияга қарши кураш билан боғланади. Интизомий назорат ва жавобгарлик институтларининг кучайтирилиши давлат ресурслиқлигини сақлаш, қарорларни ижро этиш интизомини ошириш ва ижтимоий ишончни мустаҳкамлаш вазифаларини бажаради. Бироқ бу соҳадаги эмпирик таҳлил ҳуқуқий тартибнинг мавжудлиги билан унинг амалда ишлаши ўртасида фарқ қўйишни талаб этади¹⁰.

Ташқи сиёсат нуқтаи назаридан, Хитой модернизацияси «тинч ташқи муҳит – ички ислохотлар учун шарт» мантиғига таяниб, ташқи ризқ-ресурс каналларини очиш, технология ва капиталга кириш имкониятларини кенгайтириш ҳамда савдо режимлари билан уйғунлашишга интилади. Интеграциянинг бу тури неолиберал институционализм таърифлайдиган «қоидалар орқали ҳамкорлик» механизмларига мос келади, бироқ реалистик анъанада таъкидланадиган суверенитет ва хавфсизлик устуворлиги ҳам сақланиб қолади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса сифатида зикр этиш мумкинки, Хитой модернизацияси классик модернизация назариясининг муайян механизмларини сақлаган ҳолда, «кўпвариант модернизация» ёндашуви билан ифодаланади. Ислохотлар сиёсати хатоларни камайитириш ва самарали институтларни миллий миқёсга кўчириш имконини берган. Давлат салоҳияти бюрократик профессионаллашув, кадрлар баҳолаш

⁶ 中共中央. 关于建国以来党的若干历史问题的决议. 北京, 1981.

⁷ 邓小平文选 (第三卷). 北京: 人民出版社, 1993.

⁸ World Bank. China: Overview (Poverty reduction and key development indicators). Washington, D.C.: World Bank, 2024.

⁹ Вебер М. Хозяйство и общество: очерки понимающей социологии. М.: Изд. дом ВШЭ, 2016.

¹⁰ UNDP. Human Development Report 2023/2024: China country profile. New York: United Nations Development Programme, 2024.

ва интизомий назорат механизмлари билан узвий боғланган. Легитимлик ресурслари рамзий давомийлик ва прагматик натижалар орқали қайта шакллантирилган.

Ташқи очиқлик сиёсати халқаро институтлар билан уйғунлашувни кучайтирган бўлса-да, суверенитет ва хавфсизлик устуворлигига реалистик ёндашувдан келиб чиқилган. Хитой тажрибаси сиёсий модернизацияни тузум типига тенглаштирмасдан, институтлар сиғими, ҳуқуқийлик, ижро самарадорлиги ва ижтимоий натижаларнинг биргаликдаги конфигурацияси сифатида ўрганиш зарурлигини кўрсатган.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Алмонд Г. Гражданская культура и стабильность демократии / Г.Алмонд, С.Верба // Полис. 1992. № 4. С. 122–134.
2. Вебер М. Хозяйство и общество: очерки понимающей социологии. –М.: Изд. дом ВШЭ, 2016.
3. 邓小平文选（第三卷）. 北京: 人民出版社, 1993.
4. 中共中央. 中国共产党第十一届中央委员会第三次全体会议公报. 北京, 1978.
5. 中共中央. 关于建国以来党的若干历史问题的决议. 北京, 1981.
6. World Bank. China: Overview (Poverty reduction and key development indicators). Washington, D.C.: World Bank, 2024.
7. UNDP. Human Development Report 2023/2024: China country profile. New York: United Nations Development Programme, 2024.